

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И**

(кассация шикоятини кўриб чиқиш учун тафтиш инстанциясига ўтказиш
тўғрисида)

Тошкент шаҳри

2024 йил 3 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Ш.Маҳмудов, Р.Хайдаров ва А.Абдуллаевдан иборат таркибда, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг “Zamirbek Taxiataash” хусусий корхонаси зиммасига Тахиатош тумани, “Кенегес” ОФЙ ҳудудидаги давлат ер захирасидаги қишлоқ ўўжалик харитасининг 285-контуридаги 0,02 га ер майдонига қорвулхона ва сув насослари учун ўзбошимчалик билан қурилган нотурар иморатларни ўз ҳисобидан буздириш ва ер майдонини дастлабки ҳолатига келтириб қўйиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Нукус туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 2 июндаги қарори устидан Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари томонидан берилган кассация протести ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Zamirbek Taxiataash” хусусий корхонаси зиммасига Тахиатош тумани, “Кенегес” ОФЙ ҳудудидаги давлат ер захирасидаги қишлоқ ўўжалик харитасининг 285-контуридаги 0,02 га ер майдонига қорвулхона ва сув насослари учун ўзбошимчалик билан қурилган нотурар иморатларни ўз ҳисобидан буздириш ва ер майдонини дастлабки ҳолатига келтириб қўйиш мажбуриятини юклашни сўраган

Нукус туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган. Жавобгардан республика бюджетига 3 000 000 сўм давлат божи ундирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 2 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Протестда даъво аризаси иккита талабдан иборат эканлиги, бироқ битта талаб бўйича 3 000 000 сўм давлат божи ундирилиб, иккинчи талаб бўйича эса давлат божи ундирилмаганлиги, ваҳоланки, иккинчи талаб бўйича



ҳам давлат божи ундирилиши лозимлиги ҳақида қажлар келтирилиб, суд қарорини қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 15 декабрдаги ажрими билан кассация протести иш юритишга қабул қилинган ва иқтисодий иш **Қорақалпоғистон Республикаси судидан** талаб қилиб олинган.

Кассация протести 2023 йил 22 декабрдаги ажрим билан иш юритишга қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун **2024 йил 16 январь кунига** тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасининг учинчи қисмига кўра, ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Аҳолини одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш механизмини янада такомиллаштириш ҳамда суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ҳамда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур иш апелляция тартибида кўриб чиқилганлиги, юқорида қайд этилган қонун талабига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция инстанцияси қарори устидан янги жорий этилган тафтиш инстанциясига шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 307-моддасининг биринчи қисми ва 308-моддасига асосан кассация протести ва ундаги вазларни дастлаб тафтиш тартибида кўриб чиқилиши лозимлигини инобатга олиб, мазкур иш **Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг** тафтиш инстанциясига юборилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, ИПКнинг 195, 307, 308-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л а д и:

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари томонидан берилган кассация протести тафтиш тартибида кўриб чиқилишини таъминлаш учун мазкур иш **Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг** тафтиш инстанциясига ўтказилсин.



Суд муҳокамаси **2024 йил 16 январь куни соат 10-30га** тайинланганлиги инобатга олинсин.

Мазкур ажримга асосан кассация шикояти иш ҳужжатлари билан бирга **Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига** юборилсин.

Ажрим тарафларга юборилсин.

Ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

ҳайъат аъзолари:

Ш.Маҳмудов

Р.Хайдаров

А.Абдуллаев

